

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

2008 йил, 26 март, Чоршанба

XXI АСР САДОСИ
БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГИ ХАБАРЛАР

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 58 (11.119)

Баҳоси эркин нарҳда

СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ КЕНГАШИНИНГ СЕССИЯСИ

ШУ ЙИЛ 25 МАРТ КУНИ ТЕРМИЗ ШАҲРИДА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ КЕНГАШИНИНГ НАВБАТДАН ТАШҚАРИ СЕССИЯСИ БЎЛИБ ЎТДИ.

Сессияда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов нутқ сўзлади.

Сурхон воҳаси, унинг фидойи меҳнаткашлари ўз юртини янада обод қилиш ва тараққий топтиришда ҳеч қандай қўрқинч бўлмаган, балки баъзи бир жараёнларда бошқаларга катта бўлиб келаётгани барчамизга катта мамнуният бағишлайди, деди Юртбошимиз.

Давлатимиз раҳбари аввало Сурхондарё вилояти кейинги йиллар мобайнида эришган ижтимоий-иқтисодий натижалар ҳақида тўхталиб, 2007 йил якунига кўра, бу ерда ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажми 7 фоизга ўсгани, жумладан, саноат маҳсулотлари 10,4 фоиз, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари 2,3 фоиз, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш 9,4 фоизга ошганини таъкидлади.

Маълумки, бугунги кунда юртимиздаги ҳар қайси ҳудуд ва минтақа ривожига хорижий инвесторлар билан самарали ҳамкорлик қилиш, иқтисодиётга чет эл сармояларини фаол жалб этиш энг муҳим ва устувор аҳамият касб этмоқда.

Айни Сурхон воҳасида ана шундай масалани қўйишга барча асослар борлигини ҳаммамиз яхши англаймиз, деди Ислоҳ Каримов. Авваламбор, Сурхондарё вилоятида ноёб табиий бойликларнинг улкан захиралари мавжудлиги уларни ўзлаштириш ва эл-юртимиз манфаати йўлида ишлатишга ундайди.

Айниқса, халқимиз бунёдкорлик қудратининг яна бир амалий намоёни бўлган йирик коммуникация иншооти – Тошгузар-Бойсун-Кумкўрган темир йўлининг ишга туширилиши бу борада янги-янги имкониятлар ва ўфқлар очганини ўзимизга тасаввур қилиш қийин эмас.

Бугун шуни алоҳида мамнуният билан айтиш мумкинки, Шеробод туманидаги Бешбулоқ қониди аниқланган 150 миллион тонна микдордаги хомашё захираси асосида салкам 300 миллион долларлик тўғридан-тўғри чет эл инвестицияларини жорий қилиш

ҳисобига юқори сифатли цемент ишлаб чиқариш бўйича амалий ишлар бошлаб юборилди. Шу мақсадда жанубий корейлик ҳамкорларимиз билан биргаликда қўшма корхона ташкил этилди.

2010 йилда ишга тушириш мўлжалланаётган бу заводнинг ўзида мингдан зиёд янги иш ўрни очилишини инобатга оладиган бўлсак, унинг вилоят учун нафақат иқтисодий, балки ижтимоий жиҳатдан ҳам қандай муҳим аҳамиятга эга экани аён бўлади.

Айни вақтда яна бир истиқболли лойиҳа – катта микдорда полиметалл захираларига эга бўлган Сарисий туманидаги Хонжиза қониди ҳам ана шу бойликларни ўзлаштириш бўйича кенг қўламли ишлар олиб борилмоқда. Ўтган йили шу мақсадда 4 миллиард 400 миллион сўмлик капитал маблағ сарфланганини ўзиёқ бажарилган ишлар ҳажмидан далolat беради. Шунингдек, Бойсун ва бошқа ҳудудларда жойлашган ер ости бойликларини ўзлаштириш бўйича ҳам ишлар олиб борилмоқда.

Вилоятда саноат соҳасини ривожлантиришга қаратилган чора-тадбирлар ҳақида сўз юритганда, ўтган йили бу ерда 15 та, жумладан, қурилиш материаллари саноатини модернизация қилиш ҳисобига 6 та инвестиция лойиҳаси амалга оширилганини қайд этиш лозим.

Шундан сўнг Ислоҳ Каримов мажлис ахли эътиборини вилоят иқтисодиётида етакчи тармоқ бўлган қишлоқ хўжалиги соҳасида кейинги йилларда мўайян натижаларга эришилаётганига қаратди. Айниқса, пахтачилик ва галлачилик бўйича шартнома мажбуриятларининг бажарилишида ҳудудда фаолият кўрсатаётган 14 минг 400 та фермер хўжалиги хал қилувчи куч сифатида ўзини намоён этаётгани таъкидланди.

Ўтган йили 2004 йилдаги нисбатан сабзавот 1,5 баробар, картошка 1,2 баробар, мева ва узум эса қариб 2 ба-

робар кўп етиштирилгани албатта сурхондарёлик соҳибкорларнинг самарали меҳнати натижасидир.

Вилоятда қурилиш ва ободончилик, ижтимоий инфратузилмаларни ривожлантириш борасида ҳам бир қатор ишлар бажарилмоқда. Масалан, 2005-2007 йиллар давомида асосан қишлоқ жойларда 1 миллион 650 минг квадрат метр уй-жой барпо этилиб, 490 километрдан ортиқ табиий газ, салкам 700 километрлик ичимлик суви тармоғи тортилгани ҳам ана шу ишларнинг ҳажми ва кўламини кўрсатади.

Бу ерда ўтган йили 9 мингдан зиёд ўқувчи мўлжалланган 15 та касб-хунар коллежи, 16 мингдан ортиқ ўқувчи таълим оладиган 51 та мактаб фойдаланишига топширилгани, ҳеч шубҳасиз, ёш авлодимизнинг замонавий асосда таълим-тарбия олиши учун катта имкониятлар яратмоқда.

Мухтасар қилиб айтганда, бугун Сурхондарё вилоятининг қиёфаси ўзгариб, кўплаб соҳаларда даврнинг ўзи талаб этаётган янгиланиш ва ўзгаришларни амалга ошириш йўлида сезиларли ишлар қилинаётганини кўриш-кузатиш мумкин. Лекин вилоятда вужудга келган умумий аҳволни таҳлил қилиб, ҳолисона баҳо берадиган бўлсак, бу ердаги ислохотларнинг бориши, ривожланиш суръатлари барчамизни қониқтирмаслиги табиийдир, деди Юртбошимиз ва мажлис иштирокчилари эътиборини қуйидаги масалаларга қаратди.

Мисол учун, саноат соҳасидаги аҳволни оладиган бўлсак, кўпгина жиддий камчилик ва нуқсонлар борлигидан кўз юмиб бўлмайди. Бу соҳадаги ислохотларнинг асосий шарт ва мезони бўлган таркибий ўзгаришлар жараёни изчил амалга оширилмаётгани тўғрисида санатнинг ялпи ҳудудий маҳсулот таркибидаги улуши охириги йилларда ўсмасдан, бир ҳолатда қолиб келмоқда.

Бу ҳақда гапирганда, вилоят учун ўта муҳим бўлган, хомашёни қайта ишлашга қаратилган ишлаб чиқариш соҳалари, хусусан, енгил саноат корхоналарини ривожлантириш масаласида ўзгариш сезилмаётганини қайд этиш лозим.

Биргина мисол. Аксарият вилоятларда пиллани қайта ишлаш масаласи тўлиқ ҳал этилган бир пайтда Сурхон воҳасида етиштирилаётган 1200 тонна пилла хомашёси умуман қайта ишланмаётганига нима деса бўлади?

Фақат хомашё етиштириш ҳисобидан иқтисодиётни ривожлантириб бўлмаслиги, бундай ёндашув бугунги кунда бизга умуман тўғри келмаслигини кимгадир исботлаб, тушунтириб ўтиришга ҳожат борми?

Президент яна бир муҳим масала – Сурхондарё вилоятида хусусийлаштириш жараёнлари бўйича белгиланган режа ва дастурлар тўлиқ бажарилмаётгани ҳақида ҳам тўхталиб, қуйидаги фикрларни баён қилди.

Мулк эгаларининг хусусийлаштирилган корхоналарни замон талаблари асосида қайта жиҳозлаш ва модернизация қилиш, шу тарихи ишлаб чиқариш самардорлигини ошириш юзасидан зарур чора-тадбирларни кўрмаётгани бу соҳадаги ишлар бўжакўрсин учун, номигагина бўлмоқда, деб айтишга асос беради.

Тегиришлар натижасида илгари хусусийлаштирилган 265 та корхонадан 25 таси тўла қувват билан ишламаётгани, 13 та корхона эса мутлақо фаолият юритмаётгани аниқланди.

Сурхондарёда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳаси ҳам талаб даражасида ривожланмапти. Буни биргина рақам, яъни 2007 йилда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг сони 580 тага ошгани ҳолда, уларнинг саноат маҳсулотлари ҳажмидаги улуши 20,5 фоиздан 16,7 фоизга тушиб қолгани ҳам тасдиқлаб турибди.

Бундай ноҳус ҳолатнинг асосий сабаби шундаки, вилоятда ташкил этилган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг катта қисми асосан савдо-сотик билан шуғулланмоқда. Улар орасида маҳаллий хомашё асосида тайёр маҳсулот ишлаб чиқарадиган корхоналар сони бармоқ билан сарнаридир.

(Давоми 2-бетда).

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Президентимизнинг «Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонида асосан Самарқанд вилоятида ҳар бири 32 хонадондан иборат учта уй-жой биносини қуриш ишлари бошлаб юборилди. Ёш оилалар ушбу уйлари банклардан олган кредитлари ҳисобига сотиб олишлари мумкин.

● Республикада «Миср маданияти кунлари» бошланди. Кеча Тошкентдаги Миллий санъат марказида Миср Араб республикасининг Ўзбекистондаги элчихонаси қошидаги Миср маданият маркази, Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамда «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур тадбирнинг очилиш маросими бўлиб ўтди. Унда турли вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотлари вакиллари, ўқитувчилар ҳамда талабалар иштирок этди.

● Бухоро шаҳрида «Қадрият, урф-одат, аънава ва ёшлар» фестивали бўлиб ўтди. «Камолот» ЁИХ марказий кенгаши, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, «Махалла» хайрия жамғармаси ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур тадбирдан кўзланган мақсад ёшлар онгида миллий урф-одатлар ва қадриятларга хурмат ҳамда садоқат туйғуларини кучайтириш иборат.

● Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси Республика Хотин-қизлар кўмитаси ва Муқимий номидаги мусиқали драма театри билан ҳамкорлиқда кеча уюштирилди. «Миллий қадриятларимиз эъзозда» дея номланган маънавий-маърифий тадбир Наврўз байрамига бағишланди.

● Республика Болалар бадиий ижодиёти марказида Наврўз байрамига бағишланган «Ёш мўйқалам соҳиблари тафаккурида Наврўз» Республика кўрик-танлови бўлиб ўтди.

● Сурхондарё вилоятидаги «Шўрчидонмаҳсулотлари» акциядорлик жамиятида қандолат маҳсулотларини ишлаб чиқариш, гўшт ва сутни қайта ишлаш бўйича цехлар фаолият бошлади. Бир кеча-кундузда бир тонна гўштни ва минг литр сутни қайта ишлаш имкониятига эга ушбу цехларда ёшлар учун 30 дан ортиқ янги иш ўринлари ташкил этилди.

● Навоий вилоят хотин-қизлар кўмитаси ва Ўзбекистон мудофасига қўмақлашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти вилоят кенгаши ҳамда қатор ташкилотлар ҳамкорлигида уюштирилган «Автоолам маликаси-2008» мусобақаси голиблари маълум бўлди.

● Алишер Навоий номидаги Наманган вилоят мусиқали драма театрида «Аждодлар ёди» деб номланган адабий-мусиқий кеча ўтказилди.

ЖАҲОНДА

● Кеча Франция Президенти Николя Саркози Тибетдаги кескин вазият тўғрисида Франция Хитойдаги ёзги Олимпиада ўйинларини бойкот қилиши мумкинлигини таъкидлади.

● Кеча Минскда 1918 йилда тузилиб, бир неча ой давомида фаолият кўрсатган Беларусь Республикасининг 90 йиллигига бағишланган руҳсат берилмаган намоиш ўтказилиши пайтида намоишчиларнинг полиция билан тўқнашувлари бўлиб ўтди. Намойишчилардан 80 киши ҳибсга олинди.

● Ироқнинг Басра шаҳрида ҳукумат кучларининг «Маҳди армияси» шиалар гуруҳи жангариларини марказий туманлардан сиқиб чиқаришга қаратилган операцияси чоғида юзага келган кескин тўқнашувлар оқибатида 22 киши ҳалок бўлди, 58 киши жароҳатланди.

● Албания пойтахти Тиранада давом этаётган кучли ёғингарчилик фуқаролар учун жиддий нокулайликлар туғдирмоқда. Хусусан, кучли ёғин автомобиллар қатновини тўхташиб қўйган. Мамлакатнинг тоғли ҳудудлари аҳолиси эса электр манбаисиз қолган. Ҳозир Албанияда шамолнинг тезлиги сониясига 30 метрга етпти.

● Франциянинг юздан ортиқ супермаркетларида 2,5 тонна ичак таёқчаси инфекцияси билан зарарланган гўштининг сотилиши натижасида касалланган ўнлаб кишилар касалхонага ётқизилди.

● Кеча Австриянинг Вена-Зальцбург автомобиль трассасида куюқ туман тушиши ва қалин қор оқибатида ўнлаб машиналар ўзаро тўқнашиб кетди. Тўқнашувлар оқибатида бир киши ҳаётдан кўз юмди. 30 ойулол турли даражадаги тан жароҳатларини олди.

● Фарбий Европанинг қатор давлатларида кучли қор ёғиши қайд этилмоқда. Жумладан, Испанияда бир ҳафтадан буён тўхтовсиз қор ёғиши оқибатида мамлакатнинг тоғли ҳудудларида автомобиль ва поезд ҳаракати тўхташилган. Автоҳалокатлар тўғрисида бир ҳафта ичида 50 дан зиёд киши ҳалок бўлган. Буюк Британия, Шотландия ва Голландияда ҳам ҳаво ҳарорати Цельсий бўйича -6 даражадан тушмапти.

● Перунинг Киме штати ҳудудидан археологлар эразмиздан ўн аср олдин чизилган суратли плитани топишди. Бу ҳозиргача олимларнинг Америка китъасининг рассомчилик тарихи VI асрга бориб тақалади, деган қарашларини йўққа чиқарди.

● Хорватия пойтахти Загребда дунёдаги энг катта шоколадли қаср қурилди. Қасрнинг баландлиги уч метр бўлиб, унга 10 тонна ҳажмдаги юз минг донна плитка-шоколад сарфланди. Қасрнинг майдони 14 квадрат метрдан иборат бўлди. Қаср қурилиши тугаллангач, у бўлақларга бўлиниб, атрофдагиларга тарқатилди.




«ЎЗЭКСПОМАРКАЗ» ДА «ОЗИҚ-ОВҚАТ МАҲСУЛОТЛАРИ, ИЧИМЛИКЛАР, ҚАДОҚЛАШ ВОСИТАЛАРИ ВА УСКУНАЛАР – WORLD FOOD UZBEKISTAN 2008» 8-ЎЗБЕК ХАЛҚАРО КЎРГАЗМАСИ, «ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ – AGROWORLD UZBEKISTAN 2008» 3-ЎЗБЕК ХАЛҚАРО КЎРГАЗМАСИ (25-27 МАРТ) ЎТКАЗИЛМОҚДА.

ПОЙТАХТНИНГ БИР КЎНИ



КЎРГАЗМА КЎЛАМИ КЕНГАЙМОҚДА



Мақсуд кўргазма иштирокчилар учун озиқ-овқат маҳсулотлари ва ичимликлар ишлаб чиқаришдаги янги технологияларни, қадоклаш ҳамда экспорт қилиш имкониятларини намоиш этиш, тармоқ корхоналари ўртасида ҳамкорликни йўлга қўйиш учун шароит яратди.

Айтиш жоизки 2001 йилдан буён ўтказилаётган бу тадбирлар Ўзбекистон озиқ-овқат саноати учун янги технологиялар, қишлоқ хўжалиги учун агротехникалар етказиб берадиган компаниялар билан тўғридан-тўғри алоқа ўрнатиш имконини бермоқда.

Бу йилги кўргазманинг кўлами анча кенгайди. Дунёнинг йигирма икки мамлакатидан қарийб саксонта компания катнашапти. Голландия, Дания, Молдова, Сингапур, Финляндия давлатининг компаниялари илк бор катнашмоқда. Жаҳон технологиялари соҳасидаги янгилликлар, савдо марказлари ва брендларни таништириш бу сафар намоиш этиладиган янгилликлардан ҳисобланади.

Яна бир аҳамиятли томони, кўргазма компанияларга ўз товарларини намоиш этиш билан бирга бозорни таҳлил қилиш, бизнесни ривожлантиришнинг тўғри стратегиясини танлаш имкониятини ҳам беради.

«Туркистон-пресс» СУРАТЛАРДА: кўргазмалардан лавҳалар. Сарвар Ўрмонов (ЎЗА) олган суратлар.

Кечка сатрларда

● **КЕЧА** Ўзбекистон Давлат консерваториясида ўтказилган болалар мусиқа фестивали Республика Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Ўзбекистон Бастакорлар уюшмаси ҳамда Ўзбекистон Давлат консерваторияси ҳамкорликларида уюштирилди.

● **ТОШКЕНТ** шаҳар Хотин-қизлар кўмитаси ва «Камолот» ЁИХ Тошкент шаҳар бўлими Кенгаши ҳамкорликларида фаол ёшлар, иқтидорли қизлар иштирокида ўтказилган тадбир «Зулфияxonим издошлари» деб номланди.

● **БУГУН** Тошкент Ахборот технологиялари касб-хунар коллежида «Ўқувчи ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарлик, жиноятчиликнинг олдини олиш» мавзусида Республика Адлия вазирлиги ходимларининг ўқувчилар билан учрашуви уюштирилди.


● **КЕЧА** Ўзбекистон Футбол федерацияси ташаббуси билан мутахассислар иштирокида уюштирилган матбуот анжуманида **БУГУН** футбол бўйича жаҳон чемпионати саралаш турнири доирасида Тошкентда ўтказилган Ўзбекистон—Саудия Арабистони терма жамоалари ўртасидаги гуруҳ баҳсига тайёргарлик масалалари тўғрисида йиғилганларга маълумот берилди.

● **МИРОВОД** туманидаги «Толариқ» маҳалласи фаоллари, кам таъминланган оилалар аъзолари, ёшлар иштирокида Наврўз айёмига бағишлаб 321-мактабда тадбир ўтказилди.

(Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИ ҲАМ УЧИНЧИ ЯЛПИ МАЖЛИСИНИНГ ОЧИЛИШИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн учинчи ялпи мажлиси 2008 йил 27 март кунини эрталаб соат 10.00 да Тошкент шаҳрида, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг мажлислар залида очилади.



МАШРИҚЗАМИН — ХИКМАТ БҮСТОНИ
САЪДИЙ ШЕРОЗИЙ ХИКМАТЛАР

Нафс ором олар хоҳ қасру хоҳ горда, рости, Жой танламас уйку: тахтда ё девор ости.

Сен маънабини кимнинг агар дўст тутасан, Ё шартига кўнасан ва ё тарк этасан.

Афсусу надомат билан ўтказма умр, Ҳар лаҳза азиз, вақт мисоли шамшир.

Бечора, фақирларга қилинг лутфу карам, Бечорадир Оллоҳ олдида барча одам.

Дўст бўлиш, Саъдий, қийинмас ҳар нечук инсон билан, Боғланиб қолсанг ва лекин, дил узиш мушкул эмиш.

Нодон кишилар менга насиҳат қилишар, Ошиққа насиҳат сира бўлмайди зарур.

Хусн аҳли яралмишдир азал кўрмоқ учун, Гар кўрмаса, Саъдий, не керак кўзга нур?!

Ақл истарки, ишқ устидан ўз ҳукмини ўтказсин Ва лекин тенг келолмас кучлига ожиз киши

Менга аввал одамлар таънаси ботарди кўп

Чўчитмас энди ёмғир, чунки бўлди манзилим дарё.

Бу оламда дили ғамсиз бирор одам тополмасман.

Агар ким бўлмаса ошиқ, хушу хурсанд у оламда,

Мен ошиқ бўлдим-у, кўнглимни ҳеч хуррам тополмасман.

Бехабар ишқ аҳлининг ҳолидан зухд аҳли азал, Қайда гофил бўлса, оқилдан ўша ор қилади.

Ўтди кеча, индинни қутиб ўлтирма, Ҳар қанча бугунни завқини сурсанг оз!

Агар қашшоқ кўриб қолса ҳазина, Қилар хирс вазваса, турмайди хомуш.

Умримнинг умид куши мени тарк этди, Сархуш кечалар охири бошга етди.

Ҳар лаҳзаси жонга тенг бўлган умрим, Афсуски, бехуда кўлимдан кетди...

Кўнглига замона ҳар неча урса тикан, Ҳамма ҳам уриб ох, сочини юлмас экан.

Қўларни дили худди момақалдирок Йиғлайди-ю, аммо ёнғади кулги билан.

Махлиё бўлма кўп баланд қадларга, Бўй қанча узун, ақл ўшанча кам-да!

Ҳар қандай орзу бўлса, бир кун этасан! Бас, бехуда ғам чекмаки, қариб кетасан.

Душман-ку жафо қилса, бўлишгай дўстинг, Дўстим деганинг душман чиқса, нетасан?!

Ҳар бир тош агар лаъли Бадахшон бўлади, Бас, лаъл ила тош баҳоси яқсон бўлади.

Гар барча қудуқда оби ҳайвон бўлади, Топмоқлик уни ҳаммага осон бўлади.

Мен бандаси ул кимсаниким, дил олгай, Ё бошқа бировни ўзи севиб қолгай.

Ким ўзганинг ошиғи ё маъшуғи эмас, Кўзига унинг, яхшиси, тупроқ тўлгай...

Минг таъна-маломат қилишар ортимдан, Ёлгон ила тухмат қилишар ортимдан.

Душман сўзи деб кечиби бўларми дўстанд? Майли, неча ғийбат қилишар ортимдан.

Хайҳот! Очилиб улгурмай гул сўлса! Кошки очилиб, тамою сурурга тўлса!

Кўнглида умиди кўп эди шўрликнинг, Не фойда: умид кўпу умр оз бўлса!

Эргаш ОЧИЛОВ тайёраган

ҲАМКОРЛИК ҲАҚИДАГИ ҲУЖЖАТ ИМЗОЛАНДИ

ЗАМОНАВИЙЛИК ВА ГЛОБАЛЛАШУВ БУГУНГИ КУНДА ҲАЁТНИНГ БАРЧА ЖАБҲАЛАРИДА ҲАМКОРЛИКНИ ФАОЛЛАШТИРИШНИ ТАҚЗО ЭТМОҚДА.

Ўзбекистон жаҳон иқтисодиёти ва дипломатияси университетини ҳамда Болгария ташқи ишлар вазирлиги қошидаги дипломатия институтини ўртасида ҳамкорлик йўлга қўйилди.

Узоқни ва эзгу мақсадларни кўлаб имзоланган бу ҳужжат Болгария давлати делегациясининг юртимизга ташрифи чоғида қабул қилинди. Шунингдек, учрашув ва музокаралар чоғида ҳамкорлик алоқаларини янада кенгайтириш масалалари томонларнинг диққат марказида бўлди.

Болгария дипломатия институтининг ректори, профессор М. Миланов мамлакатимиз олий ўқув юртида "Болгариянинг Болқон ярим оролидаги ўрни ва роли" мавзусида маъруза ўқиди.

"Туркистон-пресс"

Танловнинг шарты буйича иштирокчилар ўз асарларида дунёнинг хоҳлаган бурчадаги ҳодисани табиий ва кишиларни ҳайратга соладиган тарзда тасвирлашлари лозим эди. Голиб дея топилган А.Санъал илоҳий макан ҳисобланадиган Kovkato City қишида сажда қилаётган аёл фотоботини танлов шартларига мос равишда яратган. Унда ёмғирдан кейин шилта бўлиб ётган асфальтда, елкасида боласини олиб олган аёл ерга қапишиб кетгудек ҳолда илтижо қилаётгани тасвирланган.

Кореялик профессор Поля Нугентанинг иши ҳам ўзига хошлиги билан бошқалардан ажралиб туради. У пишиб етилаётган шафтолининг ўзини ўраб қўйилган қоғоз парчасини парчалаб чиқайтган лаҳзаларини акс эттирган. Будда монахлари меваларни кўрт-кумурсклардан асрашда турли химикатлардан сақлашни учун, дарахт ҳосилга кираётган пайтда қоғоз парчалари билан ўра-

БИР ЙИЛ ОЛДИН NATIONAL GEOGRAPHIC ЖАМИЯТИ ВА INTERCONTINENTAL HOTELS I RESORTS МЕҲМОҲОНАЛАР ТАРМОФИ ТОМОНИДАН ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН ФОТОСУРАТЛАР ТАНЛОВИ ГОЛИБИ АНИҚЛАНДИ. «ИНТЕРКОНТИНЕНТАЛЬ ТОШКЕНТ» МЕҲМОҲОНАСИДА НАМОЙИШ ЭТИЛГАН ФОТОСУРАТЛАР ОРАСИДА ҲИНДИСТОНЛИК АСИС САНЪАЛ ИЖОДИГА МАНСУБ ФОТОРОБОТ ТАНЛОВ ГРАН-ПРИСИГА САЗОВОР ДЕБ ТОПИЛДИ.

НОМАЪЛУМЛИККА САЁҲАТ

шади. Бу ҳолатни акс эттирган муаллиф, шафтоли ўралган қоғозда будда қонунларига мос равишда сажда қилаётган қиз сурати ва ёш болани ҳам тасвирлашга эриша олган. Бу фотоботот танловнинг иккинчи ўрнига сазовор бўлди.

Қозғонистонлик Юргену Ригтеринг ўз фотосурати билан танловда учинчи ўрнига лойиқ деб топилди. У ўз асарида эндигина туғилган оху боласини саккиз ойлик учта гепард болалари қуршовида акс эттирган. «Гепардлар учун ов

машқи» дея номланган мазкур фотоботот ҳам барчада улкан таассурот қолдирди.

Танловнинг голиблари ташаббускорларнинг қимматбаҳо совғалари билан тақдирланиш қаторида, InterContinental Hotels I Resorts меҳмонхоналар тизимининг хоҳлаганида маълум муддат яшаш имкониятига эга бўлиши. Гран-при соҳиби аса мусулус экспедиция билан биргаликда 16 кунга Австралияга саёҳат қиладиган бўлди.

"Туркистон-пресс"


Шахмат

ОСИЁ ЧЕМПИОНАТИДА ҚАТНАШИШАДИ

ШАҲРИМИЗДА 12 ЁШГАЧА БЎЛГАН ЎГИЛ БОЛАЛАР ЎРТАСИДА УЮШТИРИЛГАН ШАХМАТ БЎЙИЧА МАМЛАКАТ БИРИНЧИЛИГИ МУСОБАҚАЛАРИ ТОШКЕНТЛИК ЁШ "АҚЛ ГИМНАСТИКАСИ" УСТАЛАРИГА ОМАД КЕЛТИРДИ.

Тўққиз тур давом этган муро-сасиз беллашувлар якунида 8,5 очко жамгарган тошкентлик Ис-кандар Орипов шохсупанинг энг юқори поғонасини эгаллаган бўлса, яна бир пойтахт вакили Олег Артёмченко 7,5 очко жамга-риб иккинчи, самарқандлик Али-жон Хусейнов учинчи ўринлар-ни кўлга киритишди.

(Ўз муҳбиримиз)



МАЪЛУМКИ, ЎЗБЕК ХАЛҚ АМАЛИЙ САНЪАТИ ҚАДИМДАН ТАРАҚҚИЙ ЭТИБ, МАДАНИЯТИМИЗ РИВОЖЛАНАЁТГАН ТАРИХИЙ ШАРОИТДА УНГА АЛОҲИДА АҲАМИЯТ БЕРИЛГАН. КЎП АСРЛАР ДАВОМИДА ЎЗБЕК ХАЛҚИ БУ САНЪАТНИНГ БОЙ ҲАМДА РАНГ-БАРАНГ АНЪАНАЛАРИНИ САҚЛАБ, ЗАМОНАВИЙ РУҲДА АСАРЛАР ЯРАТИБ КЕЛМОҚДА.

Кўрғазмалар

ХАЛҚ АМАЛИЙ САНЪАТИ ДУРДОНАЛАРИ

Ўзбекистон Баддий академиясининг марказий кўрғазмалар залида очилган баҳор верни-сажида халқ амалий санъатининг барча турлари кенг намойиш этилмоқда. Экспозиция ганч ва ёғоч ўймакорлиги, баддий кулчилик, ҳаттот-лик асарлари, заргарлик, каштачилик, газлама, анъанавий ва замонавий либослар, нафис ба-тик ва гобелен асарларидан ташкил этилган. Кўрғазмадан Ўзбекистон халқ устаси Асрор Мух-торовнинг асарлари алоҳида ўрин олган бўлиб, унинг ижодида юпка бўртиқ усулда ишланган жуда ҳам бой ўсимликсимон геометрик жимжи-мадор шакллар мужассамлашган. Устанинг ганч ўймакорлигида кўллаган шарафа, шифт, қубба каби ранг-баранг мураккаб нақшлари жуда жо-зибали яратилган. Шарафа ва панжараларни ясашда усталар қолигга қуйиш усулидан фой-

даланишади. Ганч мураккаб ишловдан ўткази-лади. Шулардан энг муҳими ўтда пишириш, то-залаш ва бошқалардир.

Шунингдек, ёғоч ўймакорлик санъати тош-кентлик усталар ижодида намойиш этилган. Жумладан, таниқли ёғоч ўймакор, Ўзбекистон халқ устаси Ортик Файзуллаев яратган асарлар диққатга лойиқ. Унинг ижодида ўймакорлик санъатининг барча услублари терма, ислимий ва паргори усуллари ўз аксини топган. Ўйма-корлик учун маҳаллий дарахтларнинг энг аъло навлари — ёнғоқ, чинор, қайрағоч, арча, тут, терак, ўрик, шамшод, эман, қарағай кабилар-дан фойдаланилади. Ёгонинг гўзаллигини сақ-лаб қолиш ва янада ошириш ўзбек халқ уст-ларининг асосий мақсадларидан биридир. Ба-ддий кулчилик санъати халқ амалий санъати-



нинг кўпгина турлари ичида махсус ўрин эгал-лайди. Сўнгги йилларда Ўзбекистонда бир неча кулчилик марказлари шаклланди: Ёғиздўвон, Риштон, Шахрисабз, Самарқанд, Тошкент, Хо-разм шулар жумласидандир. Халқ устаси Мах-муджон Мамажонов асарлари юксак баддий ма-ҳорат, шакл ва нақшнинг гўзаллиги билан аж-ралиб туради. Шунинг айтиш жоизки, халқ санъ-атининг ниҳоятда ривож топган, бизнинг дав-римизга эга аҳамиятини сақлаб қолган ва хо-зирги замон усталари ижодида янада ривож топган турларидан бири бу — заргарлик санъ-атидир. Заргарликда ўймакорлик, чўкичлаш, кан-дакори, кадама ва тўрсимон босма нақш солиш усуллари кўллалади.

Мазкур байрам вернисажидан бир қатор халқ амалий санъати усталарининг асарлари ўрин олган бўлиб, санъатсевар мухлислар эътибори-ни тортмоқда.

Гулором ҲАМИДОВА
СУРАТЛАРДА: кўрғазмадан лавҳалар
Алексей Попов олган суратлар

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

ТОШКЕНТ ШАҲРИ КОРҲОНАЛАРИ ВА ТАШКИЛОТЛАРИ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

1. «Тошиссиққуввати» ИЧБ УК маълум қиладикки, энергия ва ёқилғи-мойлаш ашёлари нархлари ошиб кетгани боис 2008 йил 10 апрелдан бошлаб корхона ва ташкилотлар учун иссиқлик энергияси тарифи ҚҚСсиз 13 606,1 сўм/Гкал миқдорида ва ҚҚС билан 16 327,32 сўм/Гкал миқдорида белгиланди.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ АҲОЛИСИ ДИҚҚАТИГА!

2. «Тошиссиққуввати» ИЧБ УК Тошкент шаҳри аҳолиси эътиборига шуни маълум қиладикки, 2008 йил 10 апрелдан бошлаб марказлашган иссиқлик ва иссиқ сув таъминоти учун қуйидаги ойлик тариф (нарх)лар белгиланади: марказий иситиш—242 сўм/м² /ой (турар жой майдони); иссиқ сув таъминоти: — ҳисобга олувчи асбоблар бўлмаган тақдирда —2 523,90 сўм/киши/ой — умумий чўмилиш хонасига эга ётоқхоналар учун —1 877,55 сўм/киши/ой; — ҳисобга олувчи асбоблар бўлган тақдирда —775,55 сўм/м³

ДУК «СУВСОЗ» ТРЕСТИНИНГ «ТОШКЕНТ СУВ ТАЪМИНОТИ» ШЎЪБА КОРХОНАСИ

Электроэнергия нархининг ошганлиги инобатга олиб, 2008 йил 10 апрелдан тижорат ва саноат корхоналари учун тарифларни қайта киритилишини хабар қиладди.

сув таъминоти бўйича – 1м³ учун 96 сўм 16 тийин, ҚҚСсиз оқова сув бўйича – 1м³ учун 67 сўм 40 тийин, ҚҚСсиз

ҲУРМАТЛИ ҲАМШАҲАРЛАР!

Электроэнергия ва бошқа ресурслар нархининг ошганлигини инобатга олиб ДУК «Сувсоз» трести 2008 йил 10 апрелдан бошлаб совуқ сув учун 1м³га 48 сўм миқдорида ва оқова сув хизматлари учун 1м³га 35 сўм миқдорида янги тарифлар жорий этилганлигини (тарифлар ҚҚСсиз кўрсатилган) хабар қиладди.

Мунажжим башорати

27 МАРТ, ПАЙШАНБА
Бугунги куннинг рамзи бургут бўлиб, у киши онгининг руҳий янгиликларига олиб келади. Бугун — юксак мақсадлардан келиб чиқиб қарорлар қабул қилинадиган, юксакларни кўлаб ҳаракат қилинадиган кундир. Аммо ўйламай қўйилган қадам бургутни калхатга айлантириши мумкинлигини ҳам унутманг.

Шу кунлари саёҳатларга йўл олгингиз келади: бир жойда хотиржам ўтиролмайсиз. Бирон-бир сабаб билан ўз тарафдорларини тополмаган қандайдир гоғлар сизни ўз домига тортади ва бу соҳада сиз илк қалдирғочлардан бўласиз. Фақат ўзаро мулоқотларда сўзларингизга эътиборли бўлиш талаб этилади.

Умуртка, буйрақлар ва бўғимлар бугун хасталикларга мойил бўлади. Гепатит сингари юқумли касалликларга дучор бўлиш хавфи маъжуд. Қандли диабет ва ошқорозонети бези касалликлар билан оғриган кишилардан эҳтиётлик талаб этилади. Қулоқ ва тишларни доволатиш хайрли бўлади. Ортиқча вазндан халос қилувчи муолажаларни бошлаш яхши самара беради.

Тушларни ўзингизга ўзингиз буюртма қилишингиз мумкин — ётишдан олдин фикрларингизни бир нуқтага жамлаб, тушда нималарни кўришни, нималарни сўрамоқчи, билмоқчи эканлигини ўйланг — олган жавобларингиз тўғри бўлади. Қайси ишларда ўтмиш билан хайрлашишга тўғри келишини ҳам билиб оласиз.

Хўжалик юритувчи субъектлар раҳбарлари ҳамда тадбиркорлар диққатига!

Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика Кенгашининг Тошкент шаҳри бўйича ҳудудий комиссияси қошида «Ишонч телефони» фаолият кўрсатмоқда. Бундан ташқари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 5 октябрдаги ПФ-3665-сонли «Тадбиркорлик субъектларини текширишни янада қисқартириш ва унинг тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони талаблари асосида комиссия қошида савдо-саноат палатаси ва тадбиркорлардан иборат Жамоатчилик Кенгаши ташкил этилган.

Сизнинг корхонангизда турли назорат органлари томонидан ўтказилаётган текширишларнинг қонунийлиги ҳақида шубҳалансангиз комиссиянинг ишчи органига қуйидаги телефонлар орқали мурожаат қилишингизни сўраймиз.

Ҳудудий комиссиянинг ишчи органи: 144-51-63, 140-32-18.

- 1850 x 2950 x 100 ммли, 640 x 2435 x 16 пўлат;
- гильотина, ишламайдиган ҳолдаги фрезерлик даст-
- гоҳи сотиб олам.
- Т: 305-03-54.

Бош муҳаррир Акмал АҚРОМОВ

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМИЛИГИ

Буюртма Г-206

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
хатлар — 233-29-70; эълонлар: 233-28-95, 236-57-65. факс: (3712) 233-21-56.

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.

Нашр кўрсаткичи — 563

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилди. 4061 нусxada босилди. Қоғоз бичими А-2

Нашри етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига еки «Тошкент почта»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаохонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

1 3 4 5 6